

ISSN : 3030-3974

# MAKON VA ZAMON

Пространство и время  
Space and time

1

2024

# MAKON VA ZAMON

ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,  
ma'naviy-ma'rifiy jurnal

2024/1 (№1)

*Biz mutafakkir zotlarning: "Davlatning vazifasi insonlarni baxtli-saodatli qilishdir. Bu maqsadga esa ilm va yaxshi axloq yordamida erishiladi", degan hikmatli so'zlarini o'zimiz uchun dastur deb bilamiz.*

*Men doimo ta'lim, ta'lim, muallim, muallim, deb ta'kidlashim bejiz emas. Chunki ta'limni rivojlantirmasdan turib yuksak taraqqiyotga erisha olmaymiz. Har qanday muammoning yechimi ham, ertangi kunimizni hal qiluvchi omil ham, shubhasiz, ta'limdir.*

*Shavkat Mirziyoyev*  
*O'zbekiston Respublikasi Prezidenti*

**M u a s s i l a r:** Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti» milliy tadqiqot universiteti va O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati

**Tahririyat:** *t.f.d., professor, akademik O.Salimov, f.f.d., professor M.Abdullaeva, s.f.d., professor A.Muminov, f.f.d., professor O'.Abilov, p.f.d., professor R.Choriev, p.f.d., professor Z.Ismoilova, s.f.d. – A.Ravshanov.*

ISSN 3030-3974

**Bosh muharrir – tahririyat rahbari:**  
Qiyom Nazarov – *f.f.d., professor*

**Nashrga tayorlovchilar:**  
M.Tursunova, Q.Kdirbayev

**Tahririyat manzili:** Qori Niyoziy ko'chasi, 39,  
Toshkent shahri, 100000,  
Bichimi 60x84 Ofset qog'oz. "Times" garnituras.  
Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 300 nusxa

**ЗАМОНАВИЙ “МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ  
МАСАЛАЛАРИ**

**Гуларо Нишонбоева**  
**Маданиятшунослик бўйича**  
**фалсафа доктори (PhD)**

**Аннотация:** Мазкур мақолада замонавий мададаниятшуносликнинг ҳозирги кундаги аҳамияти, унинг долзарб мавзулари, асосий мақсади ва вазифалари билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** маданият, маданият тарихи ва назарияси, маданий фаолият, маданий жараёнлар, маданият категориялари, маданиятшунослик, маданий барқарорлик, маданий борлик, маданий қадриятлар, маданий макон.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются актуальные вопросы современной культурологии, связанные с её значением с основными целями и задачами в обществе.

**Ключевые слова:** культура, история и теория культуры, культурная деятельность, культурные процессы, культурные категории, культурология, культурная стабильность, культурное существование, культурные ценности, культурное пространство.

**Annotation:** This article discusses the importance of modern cultural studies, its current topics, main goals and tasks.

**Keywords:** culture, cultural history and theory, cultural activity, cultural processes, cultural categories, cultural studies, cultural stability, cultural existence, cultural values, cultural space.

Ҳозирги даврда рўй бераётган маданият соҳасидаги трансформация жараёнлари, ушбу соҳада амалга оширилаётгани ислохотларнинг амалий натижаларини изчил равишда ўрганиш, мазкур йўналиш билан боғлиқ масалаларни “Маданиятшунослик” фани нуктаи назаридан таҳлил қилиш вазифалари ниҳоятда долзарблашмоқда. Ўз навбатида бу маданият соҳасининг амалиёти ва ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш зарурияти туғилаётганлигидан далолат беради.

Президентимизнинг “2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва унинг асосида қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси, “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон Қарори, “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ва “Янги Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари мазкур йўналишдаги ислохотлар ва янгиланишлар жараёнини янада жадаллаштириди.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ - 668-сон “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни, Президентимизнинг “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 26 мартдаги “Маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2021 йил 6 апрелдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари ва Фармонлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, ҳозирги замонавий гуманитар фанлар орасида “Маданият” категорияси фундаментал тушунчалар сирасига киради. Бу атамани нафақат кундалик ҳаётда, балки турли фанлар нуктаи назарида ҳам кўпгина маъноларда намоён бўладиган кенг маънода тушуниш мумкин. Бир қанча илмий тадқиқотлар ва изохлар орасида бундай кенг қамровли ғояларга эга бўлган ва турли хил контекстларда қўлланиладиган тушунчалар кўп эмас.

Маданиятнинг ибтидоси инсоннинг ўзи бўлса, Маданиятшунослик фанининг функцияси энг аввало, объектга тегишли бўлган ҳақиқатни аниқлашдан иборатдир. Мазкур ҳақиқатга етаклайдиган йўл қадимги грек тилида – метод, барча фанларда ишлатиладиган умумий яхлит ҳолда эса, методология (метод – йўл; логос – таълимот) деб юритилади. Методология тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, методология аввало, янгича илмий кашфиётлар яратмайди, балки у янгича илмий ёндашувларга, янги билимларга қандай эришиш йўллари кўрсатади.

Маданиятшунослик фанининг методологик асосларини ўрганар эканмиз, энг аввал “Маданият”нинг ўзи нима?. У қандай пайдо бўлган? деган саволларга жавоб берсак, ўқувчи учун ҳам тушунарли бўлар эди. Маданият инсон яралиши билан пайдо бўлган, унинг яшап тарзи, бир-бири билан мулоқот жараёни, фаолият доирасининг кенгайиб бориши ва энг асосийси тафаккур тарзининг ривожланиб боришининг пировард натижасидир.

Ҳозирги кунга келиб маданиятнинг таърифи мингдан ошиб кетди. Энг кўп тарқалган таърифлардан бири, “Маданият – арабча сўздан олинган бўлиб, “шаҳарлик”, “мадиналик” яъни “таълим-тарбия кўрганлик”, маъносида қўлланилган. Ёки бўлмасам, “культура” лотинча сўз бўлиб, “ерга ишлов бериш”, “культурация” маъноларида ишлатилган. Яхли қилиб таърифлайдиган бўлсак, тарихий тараққиёт босқичларининг ривожланиши жараёнида инсон қўли билан яратган ҳар қандай моддий ёки маънавий нарсалар йиғиндиси – б маданиятдир. Ҳаммамизга маълумки маданият икки турга бўлинади:

**1. Моддий маданият** (турар жойлар, транспорт воситалари, уй-жойлар, жиҳозла яхлит қилиб айтганда, моддиятга асосланган буюмларнинг барчаси моддий маданиятга киради).

**2. Маънавий маданият** (маданий мерос, авлодлардан аجدодларга ўтиб келаётган удумлар, қадриятлар, дин, санъат, илм-фан маънавий маданият турига мисол бўла олади).

Маданиятнинг ривожланиши ва шаклланиш жараёнлари инсоният ўзидан олдинг авлод вакиллари яратган урф-одатлари, анъаналари, маданий турмуш тарзи, ўзининг қадриятларини ўзлаштириб олишдан бошланади. Бу жараён эса, янгича удумлар яратиш янгича миллий қадриятларини барпо этиш борасида муҳим пойдевор вазифасини бажаради. Айнан мана шу иккита ҳолат эски авлод билан янги авлод орасидаги объектив боғлиқлик яъни ворислик деб тушунилади. Бу борада маданий тараққиёт даражасига хизмат қиладиган прогрессив ворисликни ва унга тўсиқ вазифасини ўтайдиган реакцион ворисликдан фарқла зарур бўлади.

Маданият тушунчасини бир вақтда қадриятлар категорияси билан боғлиқ ҳолда қўлла мумкин ва уни бир неча турларга бўлиб ўрганиш лозим:

1. Инсоният яшаб турган моддий муҳит асосида қурилган ҳаётига алоқадор бўлган қадриятлар;

2. Инсоният турмуш тарзидан келиб чиққан удумлар, урф-одатлар, анъаналар, турмуш хилдаги маросимларда учрайдиган ахлокий қадриятлар;

3. Инсон онги, ақл-идроки, яшаш фаолияти давомида сайқалланиб бораётган малакавий кўникмалар, тажрибалар, билим, қобилиятларида акс этадиган қадриятлар;

4. Бир-бирларига бўлган ҳамжиҳатлик, жамоавий маданият, уруғдошликка асосланган муносабатлар ўз аксини топган қадриятлар;

5. Инсонлар ўртасидаги жинси, ирки, ёш нуқтаи назарига тегишли бўлган жамоадошларнинг ўзаро қадриятлари.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, умуминсоний қадриятларнинг келиб чиқишида, маданий қадриятларнинг шаклланиб боришида, ўзаро миллий анъаналарнинг чуқурроқ ривож топишида ва шу билан биргаликда диний маданиятнинг вужудга келишида юқорида омиллларнинг ўрни беқиёсдир.

Маданият кўплаб илмий фанларнинг ўрганиш объекти бўлиб, уларнинг ҳар бири маданиятнинг ўрганишининг ўзига хос томонларини ажратиб кўрсатади ва шунга мос равишда маданиятга таъриф ва тасвиф беради. Бу ҳолат эса табиий ҳисобланади, чунки маданий

кўп тармоқли бўлиб, у инсоният мавжудлигининг турли муамоларини ечишга кўмак беради. Шунинг учун ҳам маданиятни кўплаб фанлар, жумладан тарих, антропология, социология, аксиология, филология, семиотика, этнология ва бошқалар ўрганади. Уларнинг ҳар бири ўз ўрганиш предмети сифатида унинг бир томонини ёки бир қисмини ажратиб кўрсатади, ёндашувлар ўзига хос услуб ва усуллар билан ўрганиш, охир-оқибатда уларнинг тушунчасининг таъриф-тавсифини шакллантиришга сабаб бўлади.

Бугунги даврдаги глобаллашув жараёни инсоннинг яшаш муҳити, маданий макони ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Шу маънода ҳам маданият турли-туман янгиликларнинг битмас-туганмас манбаи сифатида қаралмоқда. Демак, маданиятнинг салоҳиятини аниқлаш истаги унинг ички заҳиралари, уни фаоллаштириш имкониятларини топиш ва ҳоказолар шулар жумласига киради. Маданиятни инсонни ўз-ўзини англаш, унинг тарихий тараққиёт босқичлари жараёни, шахснинг ўзига ҳам таъсир ўтказиши мумкин бўлган янги импульсларини аниқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам замонавий фанларда маданиятга ижтимоий-тараққиёт омили сифатида катта қизиқиш уйғонган.

Маданият тараққиётининг турли жиҳатлари қадимдан фалсафа, тарих, психология, социология, этнология, архиология фанлари вакилларининг эътиборини тортган. Аммо, фақатгина XX асрда Ғарб олимлари маданиятни махсус фанлараро ўрганиш зарурлигини англадилар. Бу эса ўтган асрнинг иккинчи ярмида маданият ҳақидаги “Маданиятшунослик” деб аталадиган мустақил илмий фаннинг пайдо бўлишига хизмат қилди.

Бугунги кунда маданиятшунослик тарих, фалсафа, социология, этнология, антропология, ижтимоий психология, санъат тарихи ва бошқалар чорраҳасида вужудга келган десак муболаға бўлмайди. У мураккаб ижтимоий-гуманитар фанлар сафига киради. Унинг фанлараро табиати замонавий илмларнинг умумий тадқиқот объектини ўрганишда турли хил билим соҳаларининг интеграциялашуви, ўзаро таъсири ва ўзаро кириб боришига умумий тенденциясини ифодалайди.

Бу жиҳатдан “Маданиятшунослик” фанининг пайдо бўлиши инсон ва унинг маданияти ҳақидаги яхлит ғояларни амалга ошириш учун фанлараро синтез қилишга қаратилган илмий билимлар такомилининг ўзига хос ҳосиласидир. Ушбу йўналишдаги изланишларнинг тизимли йўлга қўйилиши, билимларнинг янада ортиб бориши мазкур фаннинг янада сайқалланишига ва тараққий этишига олиб келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2022. – Б. 440.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3022-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Маврулов А., Маврулова М. Маданият назарияси. – Т., 2022, - 360 б
4. Назаров Қ, Жаҳон фалсафаси қомуси. 1 ва 2 жилдлар – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2016.

## MUNDARIJA:

|                                       |   |    |
|---------------------------------------|---|----|
| <b>Тафаккур<br/>хазинасидан</b>       |   | 3  |
| <b>"Авесто"<br/>фалсафаси</b>         |   | 3  |
| <b>М.Абдуллаева</b>                   | Янги Ўзбекистон – янги кадриятлар макони .....  | 6  |
| <b>Ў.Абилов</b>                       | Янги Ўзбекистонда оптимизм, идеаллар ва маданият<br>уйғунлиги .....   | 9  |
| <b>А.Муминов</b>                      | Янги Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашнинг<br>устувор йўналишлари .....   | 12 |
| <b>И.Саифназаров</b>                  | Талаба ёшларнинг ватанпарварлик фазилатини<br>ривожлантиришда ижтимоий фанлар бўйича инновацион<br>лойиҳаларнинг роли ..... | 15 |
| <b>S.A.Choriyev<br/>G.K.Ismoilova</b> | Yangi ma'naviy makon shaxs ma'naviy qiyofasini<br>yuksaltiruvchi muhit .....  | 18 |
| <b>Ш.Ўлжаева,<br/>А. Даминов</b>      | Темурийлар салтанатида суюрғол ҳуқуқи .....   | 23 |
| <b>Қ.Шадманов</b>                     | Ingliz "metafizik maktab"ning asoschisi Jon Donning<br>falsafasiy she'riyati haqida .....                                   | 26 |
| <b>А. Болтаев</b>                     | Ибн Арабий талқинида вақт масаласи .....  | 29 |
| <b>С.Агзамходжаева</b>                | Ижтимоий-сиёсий идеал: ўзига хос белгилари ва<br>ижтимоий онгда намоён бўлиши .....   | 33 |
| <b>G.X.Bekmurodova</b>                | Ijtimoiy sohadagi destruksiya -barqarorlikka tahdid manbai .....  | 36 |
| <b>T.Qurbonov</b>                     | Mentalitetga xos bo'lgan asosiy xususiyatlar .....  | 40 |
| <b>R.Rustamov</b>                     | Zamonaviy targ'ibot sistemalari evolyutsiyasi .....   | 44 |
| <b>Г.Нишонбоева</b>                   | Замонавий “маданиятшунослик” фанининг долзарб<br>масалалари .....   | 47 |
| <b>Д.Бозаров</b>                      | Синергетик парадигма ва унинг илмий-фалсафий<br>муаммолари .....  | 50 |
| <b>А.Равшанов</b>                     | Ўзбекистонда шаҳарларнинг ўсиши ва урбанизация<br>муаммолари .....  | 53 |
| <b>Б. Мамадаминова</b>                | XX аср тарихини ўрганишнинг муҳим манбаси .....   | 57 |